

Дубай халқаро Қуръон мусобақасида 90 та давлат вакили қатнашади



16:50 / 27.04.2019 1477

Дубай халқаро Қуръон мусобақаси ташкилий қўмитаси раҳбари Иброҳим Бумилхон ОАВ вакиллари билан ўтказган матбуот анжуманида мусобақанинг ташкил этилиши ва шартлари ҳақида маълумот берди. Бу ҳақда БАА wam.ae ахборот сайти хабар беради.

Маълум бўлишича, 23-халқаро Қуръон мусобақаси Рамазон ойининг иккинчи кунидан бошланиб, 14 кун давом этади. Ҳозирча 90 та давлатдан қорилар келиши маълум қилинган. Бироқ бу рақам 100 га бориши ҳам мумкин.

Ҳайъат аъзолари таркибидан Мисрдан Абдул Карим Иброҳим Солих, Саудия Арабистонидан Амин Идрис Фалата, БААдан Салим Муҳаммад ад-Дубай, Жазоирдан Абдул-Хожи Лаақаб, Ливиядан Иброҳим Муҳаммад Кашидан, Буркина-Фасодан Маъани аш-Шайх Хасан Гонсури каби машҳур қорилар ўрин олган.

Ғолибларни тақдирлаш маросими Рамазон ойининг 14 санаси куни бўлиб ўтади.

islom.uz таҳририяти